

СОЛИҚ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Г.Б.Жамалова

Карши мухандислик иқтисодиёт институти “Ахборот технологиялари” кафедраси
ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7314035>

Аннотация. Ушбу мақола электрон солиқ тизимини тақомиллаштириши ва жорий этиши, шунингдек солиқ органлари ҳамда солиқ тўловчилар учун электрон хизматларни ишлаб чиқиши ва тақомиллаштиришини тадқиқ қилишига багишланган. Мақолада солиқ хизматлари, уларнинг ишончлилик даражасини баҳолаши ҳамда, назорат-касса машиналарини мониторингини амалга оширувчи онлайн хизматлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари электрон солиқ хизматларининг келажак истиқболлари ва интеллектуал солиқ хизматларини жорий қилиши масалалари кўриб ўтилган.

Калим сўзлар: Ахборотлаштириши, қонунлар, дастурий маҳсулотлар, Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иши жойи (SIAIJ-4), Солиқ тўловчиларнинг эгалигидағи ер фонди (STEEF), солиқ тизимида маълумотлар базасини шакллантириши.

ПРАВОВАЯ ОСНОВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЕ

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию совершенствования и внедрения электронной налоговой системы, а также разработке и совершенствованию электронных сервисов для налоговых органов и налогоплательщиков. В статье представлена информация о налоговых службах, оценке их надежности, а также онлайн-сервисах, осуществляющих мониторинг кассовых аппаратов. Кроме того, были рассмотрены дальнейшие перспективы электронных налоговых сервисов и внедрения интеллектуальных налоговых сервисов.

Ключевые слова: Информация, законы, программные продукты, АРМ налогового инспектора (АРМАИ-4), Земельный фонд налогоплательщика (ЗИФ), формирование базы данных в налоговой системе.

LEGAL BASIS OF USE OF INFORMATION SYSTEMS IN THE TAX SYSTEM

Abstract. This article is devoted to the study of the improvement and implementation of the electronic tax system, as well as the development and improvement of electronic services for tax authorities and taxpayers. The article provides information about tax services, their reliability assessment, and online services that monitor cash registers. In addition, the future prospects of electronic tax services and the introduction of intelligent tax services were considered.

Keywords: Information, laws, software products, Tax inspector's automated workplace (SIAIJ-4), Taxpayer-owned land fund (STEEF), database formation in the tax system.

КИРИШ

Ахборот тизимлари ва технологияларини иқтисодиёт, фан, таълим ва бошقا соҳаларга кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, 2004 йил 29 апрелдаги «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши

тўғрисида»ги 2005 йил 16 декабрдаги «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 9-декабрда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бу қонунлар солиқ тизимиға бевосита тегишли бўлиб уларни амалиётга тадбиқ этиш замон талабига айланди. Бу борада илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси солиқ идораларида маълумотларни ишлашнинг ягона компьютер тизимини (келгусида МИЯКТ) яратиш тўғрисида” ги 388-сонли қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш мақсадида 3 пофона:

Давлат солиқ қўмитаси;

Давлат солиқ бошқармаси;

Давлат солиқ инспекциясиларидан иборат ДСҚ (Маълумотларни ишлашнинг ягона компьютер тизими) МИЯКТ ишлаб чиқилди ва амалга жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11-марtdаги “Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларга идентификацион рақамлар бериш ва кўллаш тизими тўғрисида” ги 130-сонли қарорига, ҳамда ДСҚ раисининг 1997 йил 25 мартағи 78-сонли буйруғига асосан рўйхатдан ўтказилган маълумотларни компьютерга киритиш, идентификацион рақам бериш ва бекор қилиш тартиблари белгиланди ва бу ўз навбатида Республика солиқ тўловчиларининг электрон базасини яратишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1257-сонли қарорида белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида, янги замонавий ORACLE платформаси маълумотлар базасига таянган ҳолда WEB технологиялари асосида ишловчи SIAIJ-4 дастурний маҳсули ишлаб чиқилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

ДСҚнинг 2012 йил 15 сентябрдаги 350-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиши» Тартибида солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шасхларнинг шахсий карточкаларини юритиши тартиби тўлиқ келтирилган.

Дастурний маҳсулиниң қулайликлари:

эски дастурдаги барча операциялар янги дастурний маҳсулда сақланиб қолинди ва янада такомиллаштирилди;

маълумотлар базаси структураси модернизациялаштирилди;

маълумотлар базаси хавфсизлиги таъминланиб, ташқи таъсирлардан тўлиқ ҳимояланди;

дизайн ва ишлаш технологияси замонавийлаштирилди;

ДСИ маълумотлар базасига ва справочникига, шунингдек дастурний маҳсулига киритиладиган ўзгартиришлар Давлат солиқ қўмитасидан туриб марказлашган ҳолда автоматик тарзда янгиланиб борилиши таъминланди;

ноаниқ маълумотлар киритилишини олдини олиш мақсадида қонунчиликка мувофиқ чеклашлар ўрнатилди;

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажарилиши тўғрисида интерактив хизматлар тури ва тезлиги янада оширилди.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг иш фаолиятини автоматлашириш, шунингдек, солиқ маъмурчилиги жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўплаб дастурий маҳсуллар ишлаб чиқилган.

Амалиётда фойдаланилаётган ҳар бир дастурий маҳсулнинг ишлаб чиқиш мақсади, вазифалари, улардан олинаётган ҳисобот шаклларидан келиб чиқиб, уларни тоифаларга ажратиш зарурати юзага келди.

O'z DSt 1047:2003 Ахборот технологиялари -атама ва таърифлар ҳамда O'z DSt ISO/IEC TR 12182:2008 Ахборот технологиялари - дастурий воситаларни таснифлаш давлат стандартларида ахборот тизимлари қуидагича тавсифланган:

Ахборот тизими – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Ахборот ресурси – ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ва маълумотлар базаси.

Дастурий таъминот – ахборотга ишлов бериш тизимлари дастури ва бу дастурларни ишлатиш учун зарур бўлган дастурий хужжатлар мажмуи.

Дастурий маҳсулот–фойдаланувчига етказиш, узатиш учун мўлжалланган дастурий воситалар, яъни–дастурлар, тадбирлар, қоидалар, ахборотга ишлов бериш тизимларининг фаолиятига талуқли бўлган, уларга мос келувчи хужжатлар ва маълумотлардан ташкил топган объект.

Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 12 июлдаги 226-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, “ахборотга ишлов бериш” дейилганда кутиладиган натижалардан келиб чиқиб, солиқ солиши базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ объектларини аниқлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқларни яшириш, солиқдан қочиш ва шу каби қўшимча манбаларни аниқлаш вазифаларини бажарадиган воситалар “Дастурий маҳсул” деб номланиши белгилаб қўйилди.

Маълумотлар базасини шакллантириш, рўйхатга олиш, солиқ тўловчилар ва солиқ объектлари ҳисобини юритиш, статистик маълумотларни тайёрлаш ҳамда иш жараёнини автоматлаширишга хизмат қилувчи дастурий воситалар “Автоматлаширилган ахборот тизими” деб аталиши белгиланди.

Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 18 апрелдаги 117-сонли буйруғи билан ташкил этилган «Давлат солиқ хизмати органларида дастурий маҳсуллардан фойдаланишини мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи» томонидан амалиётга жорий этилган ахборот тизимлари инвентаризациядан ўтказилди. Давлат солиқ қўмитаси томонидан бугунги кунда фойдаланилаётган 10 та дастурий маҳсул деб юритилаётган ахборот тизимларининг 4 тасида солиқ солиши базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ объектларини аниқлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқларни яшириш, солиқдан қочиш ва шу каби қўшимча манбаларни аниқлаш имкониятлари мавжудлиги, қолган 6 таси эса маълумотлар базасини шакллантириш, рўйхатга олиш, статистик маълумотларни тайёрлашга хизмат қилувчи автоматлаширилган ахборот тизимлари эканлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, солиқ органларида яна 35 та автоматлаштирилган ахборот тизимлари мавжудлиги ва ундан статистик маълумотларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилаётгандиги аниқланди.

Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 12 июлдаги 226-сонли буйруғи билан 10 та дастурий маҳсуллар ва 35 та ($10+35=45$) автоматлаштирилган ахборот тизимлари жами 45 та ахборот тизимлари рўйхати тасдиқланди.

Солиқ солиши базасини кенгайтириш, қўшимча солиқ объектларини аниқлаш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, солиқларни яшириш, солиқдан қочиш ва шу каби қўшимча манбаларни аниқлашга хизмат қилувчи дастурий маҳсуллар ва уларга маъсул тузилмалар рўйхати.

1-жадвал

Дастурий маҳсуллари ҳамда маъсул бошқармалар рўйхати

Т/р	Дастурий маҳсулнинг тўлиқ номи	Маъсул тузилма
1.	«Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи (SIAIJ-4)»	Ахборот-анализ бош бошқармаси
2.	«Қайта ишлаш ва анализ»	
3.	«Тўловлар мониторинги»	
4.	«Экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш»	Валюта назорати ва халқаро ҳамкорлик бош бошқармаси
5.	«Солиқ тўловчиларнинг эгалигидаги ер фонди (STEEF)»	Юридик шахсларга солиқ солиши бош бошқармаси
6.	«Таҳлика анализ» (Риск анализ)	
7.	«Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш»	Жисмоний шахсларга солиқ солиши бош бошқармаси
8.	«Солиқ декларацияларини қайта ишлаш»	
9.	«Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақлар ва ижара тўловлари ҳисобини юритиш ва назорат қилиш»	Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси

МУХОКАМА

Маълумотлар базасини шакллантириш, рўйхатга олиш, солиқ тўловчилар ва солиқ обьектлари ҳисобини юритиш ҳамда статистик маълумотларни тайёрлаш, иш жараёнини автоматлаштиришга хизмат қилувчи автоматлаштирилган ахборот тизимлари рўйхати ва уларга маъсул тузилмалар рўйхати.

2-жадвал

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳамда маъсул бошқармалар рўйхати

Т/р	Автоматлаштирилган ахборот тизимининг тўлиқ	Маъсул тузилма
-----	---	----------------

	номи	
1.	«Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиш»	Ахборот-анализ бош бошқармаси
2.	«Банк-ДСҚ»	
3.	«Жамғаріб бориладиган пенсия бадали күнлик тушумларини қайта ишлаш» тизими	
4.	«Компьютер техникасини ҳисобга олиш тизими»	Техник бошқарма
5.	«Давлат солиқ құмитаси томонидан амалиётта жорий этилған дастурий маңсуллардан фойдаланиш даражасини аниқлаш» тизими	
6.	«Давлат солиқ хизмати органларида интерактив хизматлар күрсатып бүйича маъсул ходимлар ҳисобини юритиш» тизими	
7.	«Солиқ тұловчилар тарихи»	Солиқ бүйича қарзларни мажбурий ундириш бош бошқармаси
8.	«Интерактив хизматлардан фойдаланиш статистикаси»	
9.	«Юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ҳисобини юритиш»	
10.	«Солиқ қарзини юритиш ҳисботи»	Юридик шахсларга солиқ солиши бош бошқармаси
11.	«Юридик шахслар имтиёzlари ҳисобини юритиш»	
12.	«Электрон тарзда юборилған ҳисботларини қабул қилиш (WEFOINS)»	
13.	«Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатыш тартиби»	Юридик шахсларга солиқ солиши бош бошқармаси
14.	«Юридик шахслар бүйича статистик маълумот»	
15.	«Қўшилған қиймат солиғи тұловчиларни аниқлаш» тизими	
16.	«Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулклар ҳисобини юритиш»	Жисмоний шахсларга солиқ солиши бош бошқармаси
17.	«Якка тартибдаги тадбиркорлардан ҳисботларни электрон шаклда қабул қилиш ва қайта ишлаш»	
18.	«Давлат божи»	

19.	«Солиқ түловчи жисмоний шахслар ҳақида маълумот»	
20.	«Солиқ текширувлари ҳисобини юритиш»	
21.	«Текширувчи ходимларнинг хизмат сафари буйруқлари ҳисобини юритиш»	Назорат-тафтиш бош бошқармаси
22.	«Назорат касса машиналарини рўйхати ва назоратини олиш»	Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича маҳсус бошқармаси
23.	«Нақд пул тушумлари ҳисобини юритиш»	
24.	«Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш»	
25.	«Молиявий санкцияларни суд тартибida қўллаш тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг мурожжатлари ва уларнинг натижалари ҳисобини юритиш»	Маъмурий амалиёт бўлими
26.	«Текширишларни мувофиқлаштириш»	Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси
27.	«Кадрларга оид маълумотлар базаси»	Кадрлар билан ишлаш бошқармаси
28.	«Хужжатлар бажарилишини назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими»	Ташкилий-инспекторлик бошқармаси
29.	«Ички идоравий хужжатлар электрон ахборот тизими»	Солиқ солиш методологияси бошқармаси
30.	«Қўйи давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини масофадан туриб назорат қилиш тизими»	Солиқ органларининг маҳсус назорат-тафтиш бошқармаси
31.	«Йирик солиқ түловчилар мониторинги» автоматлаштирилган ахборот тизими	Юридик шахсларга солиқ солиш бош бошқармаси

ХУЛОСА

Юқоридагилардан кўриниб турибеки, тизимда фойдаланилаётган дастурий маҳсуллар ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳар бир бошқарма ҳамда бўлимларга бириктирилган, маъсул ходимлар томонидан дастурларнинг ҳисоби юритилиб борилади.

Бу дастурий маҳсуллар ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари солиқ органлари локал тармоғи орқали бутун Республика ҳудудий солиқ бошқармалари ҳамда солиқ инспекциялари томонидан фойдаланилади. Маълумотлар эса марказий серверга келиб тушади, қайта ишланади ва керакли жойга яна узатиб борилади. Бу жараённи бевосита Ахборот анализ бош бошқармаси ҳузуридаги техник бошқарма назорат қилиб боради.

REFERENCES

1. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2007 йил 25 декабрь// Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами. Расмий нашр. 52(ИИ)-сон. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2007.-212 б.
2. M.Yakubov, G.Jamalova «Methods for adaptive control of objects with variable parameters» E3S Web of Conferences, 2021.
3. Якубов М.С., Жамалова Г.Б. «Интеллектуальные модели и методы поддержки принятия управлеченческих решений в налоговой службе». Современные концепции научных исследований. 72 я Международная научная конференция. «Евразийское Научное Объединение» • № 2 (72) • Февраль, Москва 2021
4. Тургунов А.М, Жамалова Г.Б. «Моделирование и реализация интеллектуальной поддержки управлеченческой деятельности в налоговой инспекции». "Экономика и социум" ISSN 2225-1545 №6(85) ч.2 2021 www.iupr.ru
5. Жамалова Г.Б. «Налоговая политика на макро и микроэкономическом уровнях, ее сущность и принципы разработки». International scientific and technical journal. Innovation technical and technology Vol.1, №4.
6. Zhamalova Gulchehra Babakulovna «Methods for simulation of taxation processes».
7. Г.Б.Жамалова «Методы моделирование процессов налогообложения», «Central Asian journal of mathematical theory and computer sciences», 2022.
8. А.Р.Маллаев, Б.А.Ражабалиев «Бошқариш объектларининг динамик характеристикаларини узатиш функцияси орқали қуриш» «Инновацион технологиилар» журнали 2022 йил.